

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ҳаёти

Зангиота тумани

КОРХОНАДА ЯНГИ МАҲСУЛОТ

Зангиота қишлоғи "Ўрта" маҳалла марказида аёллар сартарошхонаси очилди. "Устоз-шогирд" йўналиши асосида иш бошлаган сартарошхонада хотин-қизларга хизмат кўрсатиш билан бирга ёшларга бу касбнинг сир-асрорлари ўргатишмоқда.

Маҳаллада чиннига гул босиш корхонасининг очилиши натижасида 200 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Шунингдек, "Эски калъа" маҳалласида ўтган йили очилган "Нон-Азиз Неймат" корхонасида тешикчулчалар ишлаб чиқариш эди. Яқиндан бошлаб бу ерда аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб нон тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди ва 4 фуқаро доимий иш билан банд бўлди. **Ўз мухбиримиз.**

Юқори Чирчиқ тумани

МУТАХАССИСЛИГИНГ – КЕЛАЖАГИНГ

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши, ҳақ таълими бўлими, бандликка қўмаклашиш маркази, маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамда ўрта-маҳсус, касб-хўнар коллежлари ҳамкорлигида тумандаги умумий ўрта таълим мактаблари битирувчиларини коллежлардаги мутахассислик ва йўналишлар билан таништириш, касб-хўнар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлашишига қўмаклашиш мақсадида "Мутахассислигинг – сенинг келажагинг" кўргазмаси ўтказилди.

9-синф битирувчилари агросаноат, мактабгача таълим ва хизмат кўрсатиш, қурилиш ва сервис ҳамда транспорт ва иқтисодиёт касб-хўнар коллежларининг имкониятлари, ўқитиш тизими, мавжуд мутахассисликлари билан таништирилди. **Ўз мухбиримиз.**

Паркент тумани

КЕНГАШ ТАШАББУСИ БИЛАН

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси туман кенгаши ташаббуси билан педагогика ва иқтисодиёт касб-хўнар коллежида ўтказилган "Данолик ва ташаббускорлик – сиёсий етакчилик мезони" мавзусидаги республика танловининг туман босқичи ёшларда иқтисодий, сиёсий ва маънавий дунёқарашни шакллантиришга бағишланди.

Учта шарт бўйича юксак маҳорат намойиш этган Нигора Шарофиддиновага танлов фолиби сифатида диплом ва совринлар билан бирга кўрик-танловнинг вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқи берилди. **Умида ИСАЕВА.**

Ўрмон хўжалиги

ЯШИЛ БОЙЛИК МУҲОФАЗАДА

Бекобод давлат ўрмон хўжалигининг 1515 гектар ери бўлиб, у Муёнқум, Сардоба, Жийдали, Ширинсой бўлиmlари тасарруфида. Айна кўнларда ўрмон хўжалиги ҳудудларида янги экилган дарахт кўчатлари изчил парваришланаяпти.

Хўжаликка қарашли 15,5 гектар майдонда куз ва баҳор ойларида турли дарахт кўчатлари ўтказилди. Шуниси диққатга сазоворки, бу кўчатлар хўжаликнинг ўзиде етиштирилган. Белгиланган режага мувофиқ Муёнқум бўлимининг 5 гектарли майдонига саксовул дарахтлари экилди. Бунинг боиси шуки, кум барханларида юзага келадиган кучли шамолга шу дарахтлар қаршилик кўрсатиб, кум кўчишининг олдини олади. **Ашурвали БОЙМУРОД.**

"Ҳамшира – 2013"

ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ ЯКУНЛАНДИ

Чирчиқ шаҳрида "Ҳамшира – 2013" кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Унда вилоят ҳамда шаҳар ва туман марказий шифохоналарида сақлиз ҳамшира бешта шарт бўйича беллашди.

Танлов якунига кўра 1-ўрин вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳамшираси Рита Отажоновлага насиб этди. 2-ўринни Паркент тумани тиббиёт бирлашмаси сил касалликлари диспансери фельдшери Наргиза Солиева, 3-ўринни Юқори

Чирчиқ тумани тиббиёт бирлашмаси тез тиббий ёрдам фельдшери Авазбек Мирхайитов эгаллади.

Ғолиб ва иштирокчиларга диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди. **Шахло РАҲИМБЕРДИЕВА.**

Тадбиркорлик

Қўшимча ТАРМОҚЛАР ИШ БОШЛАДИ



Бекобод шаҳар корхоналарини янги техника ва технологиялар билан қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш натижасида ишлаб чиқариш қувватлари ортиб, рақобатбардор маҳсулотлар кўпаймоқда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янада ривожланмоқда.

Ўтган даврда четдан сармоялар жалб этиши, банк кредитлари, ҳомийлар ёрдами ва маҳаллий бюджет ҳисобидан ўндан ортиқ ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий объектилар қуриб ишга туширилди. Шунингдек, шаҳар ҳудуди бир бошдан ободонлаштирилиб, йўллар таъмирланаяпти ва асфальт ётқизиляпти.

"Sayuoga-ogzu" МЧЖ кўп тармоқли корхона бу ишларга муносиб ҳисса қўшмоқда. Илнинг ўтган даврида Бекобод туманида 600 млн. сўмдан зиёдрок маблағ сарфлаб, янги йўл қурилди ва таъмирланди. Айни пайтда "Қорасув – Бўка – Бекобод" ва бошқа автомагистраль йўлларида қарий икки миллиард сўмлик асфальт ётқизиш, таъмирлаш ишлари режалаштирилган.

Юк ташиш, асфальт-бетон, шағал, кум ишлаб чиқариш ва йўлларни таъмирлаш юзасидан қатор ташкилотлар билан тузилган шартномаларни вақтида ва сифатли бажариш учун масъулияти чекланган жамиятда махсус транспорт парки ташкил этилган. Шунингдек, жамият таркибида кунига 1000 тонна асфальт ишлаб чиқариш қувватига эга корхона, тош майдалаш цехлари фаолият кўрсатмоқда. Яқинда корхона қошида кунига 80 тонна ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган завод ишга туширилиб, 50 киши иш билан таъминланди.

– Бугунги кескин рақобат шароитида масъулияти чекланган жамиятимиз тармоқларини кенгайтириб боришимиз етарли даражада даромад олиш имконини берапти, – дейди корхона мутахассиси Исмаилов Дадабоев. – Бу ўз навбатида янги иш ўринлари кўпайишига, аҳоли турмуши янада яхшиланишига хизмат қилмоқда.

Усмон УСМОНОВ.

Бугун – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

МЕҲР-ОҚИБАТДАН ШОДОН КЎНГИЛЛАР

Болажонларни ҳимоя қилиш кунида айниқса, меҳрга муҳтожларга кўпроқ эътибор берилди. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига шу кун алоҳида байрамона кайфият улаштириш, меҳр-оқибат кўрсатиш аниъанасига айланган.

Чирчиқ шаҳридаги 14-Меҳрибонлик уйида 100 дан ортиқ болалар тарбияланади. Фарида Кенжаева бошчилигидаги ўқитувчи ва тарбиячилар болалар учун ўз уйидагидек шароит яратишга ҳаракат қилишмоқда.

– Бугун болажонларга унутилмас лаҳзалар ҳақда этиш ниятида миз, – дейди раҳбар. – Уларнинг руҳияти, ҳаётга бўлган интилишларини рағбатлантириш учун барча имкониятларни ишга соляпмиз. Келгусида оқил, билимдон, меҳрибон инсон бўлиб, Ўзбекистонимизнинг равнақи йўлида хизмат қиладиган ёшлар етиштириш қиқса, бу бизнинг бахтимиз.

Даврон АҲМАД олган сурат.



Коммунал хизматлар учун тўловлар

ЯНА ҚАРЗДОРЛИК ҲАҚИДА

Вилоят туман ва шаҳарларидаги мансабдор шахсларнинг фойдаланилган электр энергиясидан 2013 йил 28 май ҳолатига қарздорлиги тўғрисида.

Оҳангарон тумани:
15-мактаб раҳбари А. Абдуллаев – 338,7 минг сўм.
Халқ банкнинг кредит бўлими бошлиғи Б. Эргашев – 125,7 минг сўм.

1-мактаб раҳбари З. Бекназаров – 35,7 минг сўм.
"Наврўз" хусусий корхонаси раҳбари О. Рустамов – 212,4 минг сўм.
Мактабгача таълим муассасаси раҳбари М. Эламосова – 52,2 минг сўм.
13-мактаб раҳбари К. Эрназаров – 100,4 минг сўм.
"Эйвалек" маҳалла фуқаролар йиғини раиси М. Маякулова – 425,4 минг сўм.

"Қишлоққурилишбанк" ходими Ж. Хасанбоев – 816,3 минг сўм.
"Қишлоққурилишбанк" ходими Ё. Идилаев – 558,1 минг сўм.
"Қишлоққурилишбанк" ходими У. Алимов – 233,8 минг сўм.
"Қишлоққурилишбанк" ходими

Д. Аҳмедова – 364,6 минг сўм.
"Қишлоққурилишбанк" ходими Д. Нурмухамедов – 507,9 минг сўм.

Бекобод шаҳри:
"Умида" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Д. Сейтбекиров – 98,3 минг сўм.
Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси раҳбари Н. Зокиров – 200 минг сўм.
Ободонлаштириш корхонаси раҳбари С. Абдушуқуров – 88,8 минг сўм.

Янгийўл тумани:
"Навбахор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ф. Собиров – 1 миллион 859,3 минг сўм.
"Янгийўлсавдокомплекс" масъулияти чекланган жамияти раҳбари А. Аламов – 400 минг сўм.

Куйи Чирчиқ тумани:
"Қаюм Нуроний" корхонаси раҳбари К. Мелиев – 57 минг сўм.

Сергели қишлоқ врачлик пункти раҳбари Б. Белтабоев – 87 минг сўм.

31-мактаб директори С. Хожиева – 40 минг сўм.
40-мактаб директори З. Куатов – 80 минг сўм.
"Дилноза Гулноза" МЧЖ раҳбари Т. Маметова – 70 минг сўм.
"Ширин Лаззат савдо" х/к раҳбари Э. Турагалов – 62 минг сўм.
9-мактаб раҳбари Ш. Мирзаходжаева – 31 минг сўм.

"Абдуғани ота сулоласи" раҳбари А. Пирвалиев – 90 минг сўм.
ХТ ММБ раҳбари Х. Мустафоев – 65 минг сўм.
4-мактаб раҳбари Х. Абдуғафорова – 43 минг сўм.
7-мактаб раҳбари М. Бектурганов – 103 минг сўм.

Бўка тумани:
42-мактаб директори У. Жамбулов – 101 минг сўм.
35-мактаб директори Ф. Исро-

илов – 111,2 минг сўм.
25-мактаб директори У. Алифбоев – 519,8 минг сўм.

22-мактаб директори Н. Чапанбоев – 370,5 минг сўм.
46-мактаб директори М. Қурбонова – 555,5 минг сўм.
14-мактаб раҳбари Д. Саторова – 178,7 минг сўм.
27-мактаб раҳбари Д. Норчаева – 120 минг сўм.
44-мактаб раҳбари Х. Аҳмедов – 1172 минг сўм.
43-мактаб раҳбари А. Калимбетов – 1 миллион 501,2 минг сўм.
49-мактаб раҳбари Р. Холиқов – 918 минг сўм.
16-мактаб раҳбари Т. Абдуллаев – 220 минг сўм.
Г. Азаматов номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси С. Жиянов – 403 минг сўм.

Ангрент шаҳри:
"Ўзбекқўмир" корхонаси 38-бўлим бошлиғи М. Кавкатбеков –

Тадбир

Тошкент Давлат аграр университетида болаларни ёзги таътилда дам олдириш ва соғломлаштириш масаласига бағишлаб вилоят касабга уюшмалари кенгаши ташкил этган тадбирда халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ички ишлар бошқармалари, давлат санитария ва эпидемиология назорати вакиллари иштирок этдилар.

ЎЗ ЎТАДИ СОЗ

Оромгоҳларда болаларнинг дам олишларини мазмуни ташкил этишга қаратилган маънавий-маърифий ва тарбиявий тадбирлар уюштириш, малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, тартиб сақлаш, ёнгин хавфсизлигини таъминлаш ва бошқа зарур масалалар юзасидан мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг ахбороти тингланди. Семинар якунида жой-

лардаги болалар оромгоҳларини мавсумга тайёрлаш жараёнида аниқланган камчилик ва нуқсонларни зудлик билан бартараф этиш юзасидан тегишли идораларга зарур кўрсатма ва маслаҳатлар берилди ҳамда навбатдаги вазифалар белгилаб олинди.

Юлдузхон МУҲИДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

"Тошкент электр тармоқлари" ОАЖ.

ВИЛОЯТ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Авал хабар қилингандек, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг 2013 йил 19 майдаги қарорига мувофиқ жорий йилнинг 16 июни куни Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг 20-Бўка, 29-Ўнқўрғон сайлов округлари бўйича бўшаб қолган ўринларга сайлов ўтказилади.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясининг йиғилишида "Ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясининг маърузаси" шунингдек, вилоят сайлов комиссиясининг маърузаси билан тақдим этилган ҳужжатларнинг қонун талабларига мослиги ўрганиб чиқилди ва барча сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишига ҳақида аризалар келиб тушди.

Вилоят сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилишида сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг қонун талабларига мослиги ўрганиб чиқилди ва барча сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишига ҳақида аризалар келиб тушди.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясига мамлакатда фаолият юритаётган турта сиёсий партиянинг Тошкент вилояти кенгашидан бўшаб қолган ўринларга ўтказиладиган сайловда иштирок этиш ҳақида аризалар келиб тушди.

Вилоят сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилишида сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг қонун талабларига мослиги ўрганиб чиқилди ва барча сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишига ҳақида аризалар келиб тушди.

Вилоят сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилишида сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг қонун талабларига мослиги ўрганиб чиқилди ва барча сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишига ҳақида аризалар келиб тушди.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясининг

ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНЛАРИ ДЕПУТАТЛИГИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ: Халқ депутатлари Кенгашининг бўшаб қолган ўринлари депутатлигига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари қуйидаги таркибда тузилсин:

- 20-"Бўка" (Бўка тумани) Комиссия раиси**
Хўжақулов Абдурашид Қурбонovich – Бўка тумани ХТМФМТ ва ТЭ бўлимида маънавий-маърифий ва спорт ишлари бўйича кичик гуруҳ раҳбари
- Комиссия раисининг ўринбосари**
Кулназаров Обид Соҳибназарович – Бўка тумани "Халқ овози" газетаси муҳаррири ўринбосари
- Комиссия котиби**
Маннопова Зиёда Қаюмовна – Бўка тумани ХТМФМТ ва ТЭБ, ДТСМ кичик гуруҳи мутахассиси
- Комиссия аъзолари**
Ўринбоева Солиҳа Маамасодиқовна – Бўка тумани ФХД бўлими мудири
Ташева Турсунбой Жўрабековна – Бўка шаҳар "Наврўз" МФЙ раиси
Ташбеков Махмуджон Абдурашидович – Бўка шаҳар "Ўзбек" МФЙ раиси
Файзиев Комил Абдужабборович – Бўка тумани 54-мактаб маънавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринбосари
- Тўхтаева Соҳида Раҳматқонова** – Бўка тумани Кўштепа Қўйиқа қарашли "Рамадон" МФЙ маслаҳатчиси
- Музаев Сайфиддин Жўраевич** – Бўка тумани "Ободнаштираш" бўлими бошлиғи
- Комиллов Давид** – Бўка тумани 2-мактаб маънавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринбосари
- Мавлонов Ўткир Ғуломович** – Бўка тумани Чигатой ҚФЙ "Олтиш" МФЙ раиси
- Округ сайлов комиссиясининг мазлиси:** Бўка тумани халқ таълими бўлими биноси (А. Қодирий кўчаси, 10-уй). Телефон рақами: (8370) 57-36-940.
- 29-"Ўнқўрғон" (Қибрай тумани) Комиссия раиси**
Кучкарова Муяссар Шамсиевна – Қибрай тумани, Ўнқўрғон ҚФЙ, "Гулистон" МФЙ маслаҳатчиси
- Комиссия раисининг ўринбосари**
Джўрабекова Гулнара – Қибрай тумани, "Салар" ШФЙ хотин-қизлар кўмитаси раиси
- Комиссия котиби**
Ҳожибоева Шаҳноза Орифбой қизи – Қибрай тумани, Ўнқўрғон ҚФЙ, "Обод" МФЙ масъул котиби
- Комиссия аъзолари**
Абдуллаев Собитжон Абдурашидович – Қибрай тумани "Салар" МФЙ масъул котиби
Арипов Турғун Камилевич – Қибрай тумани, Ўнқўрғон ҚФЙ ҳарбий ҳисоб бўлими бошлиғи
Илёсова Муҳаббат – Қибрай тумани, Ўнқўрғон ҚФЙ, "Ўнқўрғон" МФЙ масъул котиби
Усмонова Нилуфар – Қибрай тумани, "Ўнқўрғон" КВП ҳамшираси
Кодирова Фотима – Қибрай тумани, Ўнқўрғон ҚФЙ, "Обод" МФЙ маслаҳатчиси
- Юнусова Шоира Атажановна** – Қибрай тумани, Ўнқўрғон ҚФЙ масъул котиби маслаҳатчиси
- Округ сайлов комиссиясининг мазлиси:** Қибрай тумани Ўнқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини маъмурий биноси. Телефон рақами: (+99890) 901-80-02.

Вилоят сайлов комиссияси раиси Тошкент шаҳри, 2013 йил 29 май.

У. АБДУШОҲИДОВ.

Экохафталик – 2013

ИНСОН САЛОМАТЛИГИНИНГ БОШ КАФОЛАТИ

Экология масалалари бугунги кунда дунёдаги энг долзарб муаммолардан бири бўлиб турибди. Шу сабабли Мингйиллик ривожланиш мақсадлари ва 2015 йилдан бошлаб бутун дунёда амалга ошириш режалаштирилган Барқарор ривожланиш мақсадларида ҳам экология масалаларига катта ўрин берилган. Зеро, инсониятнинг қудалик фаолияти ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ.

Бу бир томондан табиий ресурслардан фойдаланишнинг ўсишига сабаб бўлса, иккинчи томондан атроф-муҳитнинг ёмонлашишига олиб келади.

5 июнь куни нишонланганидан бу йилги Бутунжапон атроф-муҳит кунининг асосий мазмунини озиқ-овқат қишлоқчиларини қамраб олувчи қаратилади. Хар йили дунёда ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг 30 фоизи беҳуда исроф қилинади. Аниқ ҳисоб-китобларга кўра, бу 1 триллион АҚШ доллари беҳуда йўқотилади дегандир. Марказий Осиё, жумладан

биринчи ўтказоқда. Шунингдек, экохафталик республика Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитасининг 25 йиллигига ҳам бағишланган.

Экологик ҳафталик доирасида Тошкент, Самарқанд, Навоий, Андижон ва Қарши шаҳарларида қатор кўргазмалар, илмий-амалий конференциялар, медиатурлар, тақдиротлар, балалар ўртасида экологик танловлар ташкил этилиб, янги энергия ва сув ресурсларини тежаш технологиялари тақдироти ва бошқа тадбирлар ўтказиш режалаштирилган. Ҳамини муҳиримиз.

Учрашув

Ўрта Чирчиқ туманидаги Омангелди Имонов номи мактабда хар йилгидек сўнгги кўнроқ янгради. Битирувчиларнинг ҳаяжони чексиз. Ахир, уларни 9 йил баридга асраб-авайлаб ўқитган, энди мустақил билим олиш, касб эгаллаш сари йўлгаётган мактабни тарк этиш осон эмас. Юзларидан нур ёйилиб турган устозлар меҳри ўқувчилар қалбидега абдий муҳрлиб қолиши шубҳасиз.



ЭЛЛИК ЙИЛЛИК КАДРДОНЛАР

Мактабни 50 йил аввал битириб кетган синфдошлар учрашуви фикримиз далили. Зеро, кадрдон мактаб ўз ўқувчиларини ҳаммиса бағрига қорлаб туради. 1963 йилда шу мактабни 23 ўқувчи битирган эди. Устозлари – 97 ёшли Мўмин бобо Жалилов, 87 ёшли Рая мома Нафикова билан дийдорлашиб, ҳаёт сабоқлари, ўтган йиллар армонлари (синфдошларнинг 7 нафари оламдан ўтган) ҳақида сўхталлашди.



Ахил ўқирдик. Афсус, ҳозир уларнинг айримлари орамизда йўқ. Устозларимиз Рая мома ва Мўмин бобо билан учрашиб, ўтган синфдошларни хотирладик. Мактабдави бир умрга қалбимизда сақланиб қолган. Бу дунёда меҳр қолур, муҳаббат қолур дейишарди. Дийдорлашиб учун Ўзбекистонимизнинг турли бурчакларидан етиб келган кадрдон синфдошларимга минг бор раҳмат!

Сайёра ЭШМАТОВА, Соиб ЗУФАРОВ олган суратлар.

Жараён



Вилоятимиз фуқароларининг эски паспортларининг янги – биометрик паспортга тўла алмаштириши қисқа фурсатда якунлаши режалаштирилган. Янги паспортлар узоғи билан 15 кунда тайёр бўлапти. Янги бинонинг очилиш маросимида 16 ёша тўлган 14 йилит-қизга биометрик паспортлар топширилди. – Бугун илк бора

Истеъмолчи

Аҳолини дори-дармон воситалари билан таъминлаш таъминларини таъминлаштиришда республиканинг ички фармацевтика бозорини сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоя қилиш, дори воситалари савдоси тартиб-қоидалари, аҳоли маълум гуруҳларини, айниқса, ҳавфли касалликка чалинган беморларни дори-дармон би-

лан бепул ёки имтиёзли таъминлаш, фуқароларнинг бу борадаги ҳуқуқий билимини ошириш муҳимдир. Шунинг билан бирга, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири Истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти вилоят ҳудудий бирлашмаси мутахассиси Ғафхар Соатовга бир неча савол билан мурожаат қилди.

КАССА ЧЕКНИ ОЛИШНИ УНУТМАНГ

Кимлар амбулатория шартларида дори-дармон билан бепул таъминланган ҳолатда бўлиб қолган бўлиши керак? Ушбу саволга жавоб қилиш учун қуйидаги саволларга жавоб қилиш керак:

Аспирин Аналгин Димедрол Дибазол Левомицетин Нитроглицерин Палаверин Сенадексин Новакван Валидол Фузифиллин Феррамид Йод Валериана дамламаси Нашатир спирти Бор мази Бриллиант зелени Тиббий пахта Горичниклар Бинлар

– Шифохонага тушган ёки даволанган беморга шифокор унга ёки қариндошларига бир қанча дори-дармон тасвия қилиб, ташқаридан олиб келишга мажбур этишга ва бунинг устига дори-дармон рўйхатини оқидий қогоза ёзиб беришга ҳақимиз? Қандай бўлиши шифокор қандай йул тутуши керак аслида?

– Дори-дармон тасвия этишда шифокор беморнинг аҳоли ва тегишли патогенетик даво зарурятига таянади.

– Қоридида ҳолатда шифокор қонун-қоидалари бузган ҳисобланади. Республика Вазирилар Маҳкамасининг 1994 йил 6 августдаги 404-сонли Қарори 9-бандининг 1-ило-васига мувофиқ шифохонада касални даволаш учун тегишли дори воситалари мавжуд бўлмаган ҳолларда, даволанш-профилактика маъсасаси шифокорларига у ёки бу дори-рини олиб келиш учун ре-септ ёзиб беришга рўхсат этилади ва бу ҳақда янги бе-мор ҳисобидан дори сотиб олишнинг касаллик тарихи ёзиб қўйилиши шарт.

– Дори-дармон тасвия этишда шифокор беморнинг аҳоли ва тегишли патогенетик даво зарурятига таянади.

– Дори-дармон тасвия этишда шифокор беморнинг аҳоли ва тегишли патогенетик даво зарурятига таянади.

– Дори-дармон тасвия этишда шифокор беморнинг аҳоли ва тегишли патогенетик даво зарурятига таянади.

Оҳангарон тумани ИИБ паспорт бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан бунёд этилган иш-шоот замонвий жиҳозлар ва техник воситалар билан таъминланди. Фуқароларга биометрик паспорт бериш бўйича барча қулайликлар яратилди.

БИОПАСПОРТ – ХАЛҚАРО МЕЪЁР АСОСИ

ёшим улғаяётганини тундирим, – дейди Мунира Дехқонова. – Айниқса, кўлимга фуқаролик паспортини олганимда зиммамга қандайдир масъулият қолганини ич-ичимдан ҳис этдим. Бу, биз ёшлар учун аввало ишонч ҳамда мамлакат келажига учун дахлдорлик демакдир.

Меҳнат ярмаркаси

ХОҲЛАГАН КАСБИНИГИЗНИ ТАНЛАНГ

Чиноз тумани ҳокимлиги, прокуратура ҳамда Бандликка қўмақлашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш маркази ҳамкорлигида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.



5 та касб-ҳунар коллежи битирувчилари, қишлоқ ва маҳаллалардаги иш-лашни хоҳловчи фуқаролар таклиф этилган тадбирда 120 дан ортиқ ташкилот ва корхона 940 дан ортиқ бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Туман аҳолисини иш билан таъминлаш дастурига кўра, йил давомида 3970 та янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган. Биринчи

навбатда ёшлар ва хотин-қизларни иш билан таъминлаш кўзда тутилган. "Чиноз текстил" корхонаси бу сафар 23 та бўш иш ўринлари билан қатнашди. Коллеж битирувчиларидан Нодира Эржигитова, Шодида Мирзаева шу ернинг ўзида "Чиноз текстил"га ишга қабул қилиниши.

Саида РАҲМОНОВА, Даврон Аҳмад олган суратлар.

БИТИРУВЧИЛАРГА ИШ ЎРИНЛАРИ

Бўка тумани ҳокимлиги ва прокуратураси ташаббуси билан агросаноат касб-ҳунар коллежидега битирувчилар учун иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.

Тадбирда 2065 битирувчидан 1421 нафари қатнашди. 42 та корхона ва ташкилот уларга 1420 та бўш иш ўринларини таклиф этди.

– Ижтимоий ҳимоя мақсадида уюштирилаётган меҳнат ярмаркалари ёшларимиз коллежда ол-

ган билимларини ишга солиб, туманимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига муносиб ҳисса қўшишларига хизмат қилмоқда, – дейди туман прокурори Зоҳид Қораев.

Каримкул БОБОҚҮЛ ўғли.

Тадбир

ИЛЛАТДАН НАРИ БЎЛГАН МАЪҚУЛ

Ўрта Чирчиқ туманидаги ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежидега "Халқроқ қашандликка қарши кураш кўни" муносабати билан маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Республика саломатлик ва табиий статистика институти ташаббуси билан уюштирилган тадбирда 501 ёшлар чекшига қаршимиз, "Сизни кўнроққоқдек бошқариш-моқда..." Тамаки маҳсулотларини реклама қилиш ва сотишдан нари бўлинг" мазмунлари эркин баҳс-мунозаралар бўлди.

Ёшлар фестивали



БУЮК ЮРТ ФАРЗАНДАЛАРИ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб 29-31 май кунлари "Биз буюк юрт фарзандларимиз" шиори остида ёшлар фестивалини ўтказди.

Уч кун давом этган тадбир давомида вилоятнинг қатор шаҳар ва туманлари марказларида, коллеж, болалар мукаси ва санъат мактаблари, спорт мажмуалари ва ўйингоҳларда учрашув, давра суҳбат-лари, турли мавзулардаги лойиҳалар тарғиботи ва танловлар уюштирилди. Жумладан, 29 май куни Янгийўл тиббиёт коллежидан оммавий маданият никоби остидаги ёт голялар миллий

менталитетимизга мутлақо зид экани, диний экстремизм ва терроризм, шунингдек, турли ақидалараслик оқимларининг асли мақсадларини ёшларга тушунтириш мақсадида малакали сиёсатшунос, тарихчи ва руҳшунослар жалб этилиб, "Оммавий маданият ва ёшлар маънавияти" тарғиботи лойиҳаси ташкил этилди. Ушбу тарғиботи лойиҳаси юзасидан Ўрта Чир-қиб туман миллий хунармандчилик ва дизайн касб-хунар коллежидан ўтказилган тадбир иштирокчиларда, айниқса, катта қизиқиш уйғотди. 30 май куни Чирчиқ Олимпия захиралари коллежи, Қибрай ҳамда Зангиота туманлари марказида таниқли санъаткорлар ва спортчилар иштирокида "Биз соғлом турмуш тарafdоримиз!" лойиҳаси асосида турли мусобақа ва акциялар уюштирилди. Шу кунни Чиноз туманидаги 14-болалар мукаси ва санъат мактабида машҳур адиб ва шоирлар, киноактёр ва эстрада хонандалари билан "Сиз севган қахрамонлар" ҳамда "Замонамиз қахрамонлари" лойиҳаси доирасида ижодий учрашув ўтказилди. Айниқса, 31 май куни Тошкент давлат аграр университетида "Биз соғлом ахборот муҳити тарafdоримиз!" мавзусида ўтказилган ёш дастурчилар, веб-дизайнерлар, фотосуратчи ва журналистлар форуми жуда қизиқарли кетди. Ушбу форум доирасида "MIT.uz" миллий интернет танлови тақдими ва тарғиботи ташкил этилди. Ёшлар фестивали 31 май куни Олмалик шаҳар "Металлург" ўйингоҳида уюштирилган катта гаала-концерт билан якунланди.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

Bolalik bog'i



Alpomishday o'g'loni bor botir elim, Mag'rur boshi egilmagan yovqur elim. Zar hikmatli tarixga xo'b boydir elim, Elim desam, yayrab ketar jonu dilim.

Orzulari omon elim, osmon elim, Temurlari kuch-quvvatli arston elim. Shon-shavkatli dovrug'lari doston elim, Elim desam, yayrab ketar jonu dilim.

Ozod yurtning hur farzandi, ishonchi - biz, Ko'z nuri-yu, qalb qo'ri ham quvonchi - biz, Yorug' quyosh bilan kuzgan baxt tongi - biz, Elim desam, yayrab ketar jonu dilim.


She'r yozmasam, ko'nglim to'lmas bahoringda, Bulbul kabi uyg'onay har nahoringda, Bir gul bo'lib husn qo'shay gulzoringga, Elim desam, yayrab ketar jonu dilim.

Mahfuza HAYDAROVA.



ГАЙРИОДАТИЙ ЗОТИЛЖАМ ҚУРБОНЛАРИ

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (БССТ) гайриодатиий зотилжам хасталигининг янги вирусини юктириб олган яна беш киши ҳалок бўлганини маълум қилди.



Ташкилотнинг маълумотида келтирилишича, зотилжам қурбонларидан 4 нафари Саудия Арабистони ва бир киши Франция фуқаросидир. Шундай қилиб, 2012 йил сентябрдан буён ушбу хасталиқ оқибатида қурбон бўлганлар 27 кишига етди, дея хабар беради ИТАР-ТАСС.

Шуниси ажабланарлики, агар Иордания, Қатар, Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликларида кишилар дахшати вирусни ўз мамлакатлари ичкарисидида юктирган бўлсалар, Буюк Британия, Германия, Тунис ва Франция фуқарolari бу касалликка Яқин Шарқ минтақасига сафарлари чоғида чалиниб қайтганлар. БССТ барча давлатларга хавфли вирус тарқалишини назорат қилишни давом эттириш ҳамда унинг оқибатида юз берадиган вазиятни синчиқлаб ўрганишни маслаҳат бермоқда. Бунинг учун бутунжаҳон ташкилоти Яқин Шарқ мамлакатларидан инфекция юктириб келган барча кишилардан таҳил учун намуналар олиш зарур деб ҳисоблайди. Эро, ушбу ташкилот янги вирус ҳақида хозирча ҳеч нарса билмайди ва қандай шароит ва восита орқали тарқалишидан бехабар.

ШАҲАР ҲОКИМИГА ЗАҲАРЛИ ХАТ

АҚШнинг Нью-Йорк шаҳар ҳокими Майкл Блумберг номига қандайдир номатълум шахслардан икита заҳарли хат келди. Уларнинг бири Нью-Йорк муниципал биносига келтирилган бўлса, ордан икки кун ўтиб, Блумберг ташкил этган "Ҳокимлар яширин курулларга қарши" ташкилотнинг Вашингтондаги офисига жўнатилган.




ИТАР-ТАСС тарқатган хабарда айтилишича, ҳар икки хатда ҳокимнинг мамлакатда ўқотар куруллар айлинишини назорат қилиш масаласига муносабати юзасидан таҳдид сўзлари битилган. Эро, Блумберг мамлакатда эркин курулларни юришга ашаддий қаршилиги билан танилган. У ҳукуматни курул-яроғга оид қонунлиқликни қатъийлаштиришга бир неча бор даъват этган.

Лабораториядаги текширувлар натижаси ҳар икки хат конвертида заҳарли рицин моддаси борлигини тасдиқлади. Полициянинг таҳминига қўра, ҳар икки хатни бир киши жўнатган. Энди тергов ишларига ФБР ҳам аралашмоқда.

САНТА-БАРБараДА НАВБАТДАГИ ЗИЛЗИЛА

Американин Калифорния соҳиллари яқинида, Санта-Барбара шаҳридан 20 километрге масофада 4,6 магнитуда куч билан ер силкиниши қайд этилди.



Мамлакат геология хизмати ўз сайти орқали маълум қилишича, зилзила ўчоги 7,4 километр ер қаьрида бўлган. Гарчи, маҳаллий аҳоли бундай ер силкинишларига кўникиб кетган бўлсада, бу сафар улар зилзилани яхшигина ҳис қилдилар. Умуман, гарбий соҳиллар ер тез-тез силкиниб турадиган минтақа ҳисобланади. Маҳаллий аҳолидан бири ўз микро-блогига "Мен анчадан бери зилзила туфайли уйкумдан уйғониб кетмаган эдим", дея ҳазиллашди.

Fox News нашрининг маълум қилишича, қурбон бўлганлар ва вайронгарчиликлар ҳақида хозирча ҳеч қандай маълумот йўқ. Бирок, нашр портални аҳолига дастлабки ер силкинишларидан сўнг дарҳол нималар қилиш лозимлигини эслатмоқда: "Биринчидан, агар ҳаракатланиш учун ҳеч қандай хаф бўлмаса, бинони ташлаб чиқиб зарур. Иккинчидан, албатта зилзиланинг қайтишини кутиш лозим. Одатда бу қайтиш асосийсида анча кучсиз бўлади, бирок шикастланган иншоотларда қўшимча зиён етказиши мумкин. Дарвоқе, зилзиланинг қайтиши учун одатда бир неча соат ёки кун, ҳатто ойлар керак бўлади. Учинчидан, кутқарув хизматидаги зудлик билан телефон қилиш ва шу билан бир вақтда атрофдагиларга ёрдам кўрсатишга киришиш лозим."

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Кўргазма

УСТОЗ ВА ШОГИРД АСАРЛАРИ НАМОЙИШИ

Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида рангтаъсирчи расом, Камолитдин Беҳзод номидаги Миллий расомлик ва дизайн институти профессори Рустам Худойберганов ҳамда унинг шогирдлари асарлари кўргазмаси очилди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Р. Худойберганов асарлари 20 га яқин хорижий мамлакатлар галерея ва шахсий коллекцияларда, юртимиз зиё масканларида сақланмоқда. Педагог-ижодкорнинг шогирдлари ҳам ўз йўналиши ва услубига эга бўлган расомлардир. Масалан, Алишер Ҳамдамов реализм рангтаъсирчи санъати аъналаридан воз кечмаган ҳолда ўз услубида иҳод қилади. Екаторина Лапина ва Анастасия Никитанин асарлари авангард услубида ишланган бўлиб, ранг ва композицион ечимлари, шунингдек, асарга концепция танлашларида бошқалардан фарқ қилади. Ёш расом Дониёр Соҳибов услуби эркин палитраси, ўз дунёқараши билан ажралиб туради. Мурод Азлар-қўжаев ва Анастасия Никитина асарлари республика ва халқро кўргазмаларда кўп мартаба намоийш этилган.

Кўргазмадан устоз ва шогирдларнинг 100 дан ортиқ рангтаъсир ва графика асарлари ўрин олган. Намойишга қўйилган бу асарларда мамлакатимизнинг гўзал табияти манзаралари, турли жараён ва йил фасллари, кеча ва кундуз дақиқалари, мевалар натюрморлари, тарихий шаҳарларимизнинг меъморий ёдгорликлари, турли даврларда вужудга келган маҳаллалар кўринишлари, кадрятларимиз, турмуш тарзимиздаги айрим лавҳалар акс этган.

Устоз расомнинг экспозициядан жой олган "Қорли кун" (Сижжак), "Тог манзараси" (Чорвоқ ва унинг атрофи), "Чорвоқ. Қорли кун" ва шогирдларнинг "Паркент", "Чашма" (Ҳожикент), "Оқтош" ва "Сўқок" туркумидаги қатор асарлар томошабинга завқ бағишлайди.

Кўргазма 26 июнга қадар давом этади. Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

Ҳаёт манзаралари

Ишдан жуда кеч қайтдим. Охирига автобусга улгуриш учун шошиб бекатга бордим. У ерда анчаинч замонавий кўринган, ёши қирқлардаги аёлдан бўлак ҳеч ким йўқ эди. У бироз синиққан кўзларини маҳум нуқтага қадаганча, хаёлга чўмганди. Шу боис келганимни сезмади ҳам. Гапнинг очиги, у билан сўзлашгим келди. Сабаби, аллақандай дард қалбини ўртаётгандай туюлди. Таҳминим тўғри экан. Аввалига унинг елкаси учиб, ҳиқиллади. Охири, бўғзидаги дард ёмғир бўлиб кўзларидан томчилай бошлади. Буни жимгина кузатиб туролмадим. Ёнига бориб, нима бўлганини сўрадим...

Мухаббат опа (исми шундай экан) фарзанди Баҳромни ёлғиз ўзи, аёл боши билан келажақда ҳеч кимдан кам бўлмасин, ҳеч нимага зорикмасин, деб ўқитганини, ўгли чет тилини яхши билганини унинг элчиона орқали хориждаги олий ўқув юрталарининг бирига имтиҳон топшириб, ўқишга кетганини, бир йилдан кейин магистр дипломи билан ўша ерлик қизни етлақлаб келганини, яқкаю-ягона суянчиги шу фарзанди бўлгани боис

унга оқ фотиҳа бериб, тўйини қилиб берганини гапириб, чуқур хўрсинди. Кўзларини бир нуқтага кўй олдида нима деган одам бўламан? деб зорланишимга ҳам қарамади. Чиндан ҳам борадиди.



БЕКАТДА

қадаганча шундай деди: - Бир ойча аввал ўғлим мендан уйни совға қилишини сўради. Буни қачондир қилишим керак эди ўзи. Шундай ҳам бўлди. Ўшаб турган ўйимизни унинг номига хатлаб бердим. Кейин у... Кейин у томдан тараша тушгандай мени уйдан қувиб-солди. Ҳеч нарсаси тушунамиди. "Болам, мен сенга нима қилдим, қаерга бораман ахир? Ундай қилма. Маҳалла-

ган жойим йўқ эди... Ушандан буюн бировларникида ётиб, уйда нима иш бўлса қилиб, боласига қараб юрибман. Яхши одамлар кўп, меҳр-оқибат сўнмаган. Орада уйга 3-4 марта бордим. Бугун ҳам ўша ердан келяман. Қўшиларнинг айтишича, Баҳром уйни қимсадириб сотиб, келинини олиб, қаергадир кетибди... Опанинги юрагини тилкалаётган алам нафасини

бўғгани учун ортиқ гапиролмади. Чорраҳадан бурилган автобус бекатга келиб тўхтади. Мухаббат опа ўрнидан турди... Автобус кетди...

Бекатни ваҳимали сукунат, юрагини эса тушуниб бўлмас аллақандай изтироб чулғаб олди... Муштирап онанинг ҳиқоиси миямдан кетмасди. "Нимага?" Шу биргина саволга жавоб тополмай, қийналардим. Шу боис Мухаббат опанинги қисмати ҳусусида мулоҳаза билдиришмайман. Лекин у ҳам бошқа оналар қатори, фарзанди қаерда, ким билан бўлишидан қатъи назар бахтли яшашини истайди.

Хайриятки, Баҳром каби бемеҳр фарзандлар камдан-кам учрайди. Шу даьда, Мухаббат опага тасалли бериш илинжида айтган сўзларини қимдириб кулоқларимга шивирлаётгандай туюлди. Дахшатдан этим жимирлаб кетди... "Яқинларимиз бизни ҳеч қачон тарк эттирмайди. Кетишимиз?! Демак, улар бизга ҳеч қачон яқин бўлишмаган. Шунинг учун силкиманг... Ҳаёт ва унга бўлган муҳаббатимиз биздан воз кечмаса бўлди..."

Бекзод ХИДОЯТОВ.

Жинойтга жазо муқаррар

ЎҚИТУВЧИМИ ЁКИ ЮЛГУВЧИ?

Бугун мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш, ёшларнинг ҳар тарафлама баркамол вояга етишишлари учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Таълим муассасаларини тубдан янгиллаш, малакали кадр ҳамда замонавий ўқув лабораториялари билан таъминлаш масаласига катта эътибор берилмоқда.

Хуллас, бугун таълим тизимини замонга мос тарзда ривожлантириш борасида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар самарасини ҳар қадамда кўриб, ҳис этиб тураёмиз. Бирок ҳозир гап бу ҳақда эмас.

Айрим таълим муассасаларидаги ички маънавий муҳитнинг бузуқлиги, порохўрлик, таъмағирлик иллатларининг чуқур илдиз отгани, бунинг натижасида таълим савияси бир мунча пасайгани ҳусусида мулоҳаза юритмоқчимиз. Биламизки, Тошкент вилояти Давлат педагогика институти нуфузли олий таълим даргоҳларидан. Бирок, институти педагоглар жамоасига айрим нопок кимсаларнинг аралашиб қолган

ни муассаса обрў-эътиборига доғ бўлиб тушди. Ёрناзар Холмирзаев 2011 йилнинг апрелидан 2012 йилнинг октябрга ойига қадар институтининг "Табиятшунослик" факультети декани лавозимида ишлади. У бундай мансаб ва ваколатни масъулият деб эмас, балки, мўмай даромад ортириш учун тайёр имконияти деб билди. Деканликни бошлашиданоқ чўнтагини қаппайтиришга, яш жойини ноқонуний даромад манбаига айлантиришга, нафасини қондиришга киришиб кетди.

Кундузги бўлимда таҳсил олувчи талабалар ўқишга келмаса, уларнинг давоматини назорат қилмай, таъсир чораларини кўрмай, баҳосини қўйиб

олган. 4-курс талабаси Дилноза Турақулловани пахта йғим-теримидан озоқ қилиш эвазига унинг турмуш ўртоғидан 200 АҚШ доллари талаб қилишди. Вилоят Миллий ҳавфсизлик хизмати ҳамда прокуратура ҳамкорлиқда ўтказган тадбирда ҳамтовоқлар Шокир Турақулловдан пулни олишаётганда ашёвий далиллар билан ушланди. Жинойт ишлари бўйича вилоят суди ушбу ишни қўриб чиқди. Тергов-суриштирув ҳамда суд жараёнидаги гувоҳларнинг кўрсатмалари жинойтнинг гуруҳининг юқоридидаги хатти-ҳаракатларини тўла тасдиқлади. Суднинг 2013 йил 10 январдаги ақримида кўра, Аъзамжон Беғалиев ва Жамшид Собиров устларидан Ўзбекистон Республикаси Жинойт кодексининг 212-моддаси 2-қисмининг "а, б" бандлари билан қўзғатилган жинойт иш уларнинг айбилиқ масаласи ҳал қилинмай туриб,

"Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигини 20 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида" ги Қарорнинг 6-моддасига асосан ҳаракатдан тўхатилди.

Э. Холмирзаевга нисбатан ҳам инсонпарварлик таъминоти намунаси бўлган амнистия актига асосан иш қўрилди. Унга шартли равишда 2 йил синов муддати белгиланди. Бу муддатда у ўзи яшайдиган ҳудуднинг ички ишлар бўлими назоратида бўлади. Бундан ташқари, давлат ҳисобига 22 миллион 452 миң 485 сўм жарима тўлайди.

Аслида бу жазо судланувчилар қилган таъмағирликлар, порохўрликлар олдидан тарихқа гап. Аммо миллиатимизга хос инсонпарварлик тамойилининг юксак намунасидир. Уйлаймизки, маъзур жинойт иши юқоридидаги каби хом хаёл билан юрган кимсаларга сабоқ бўлади.

Ёркин ТУРДИЕВ.

Сураткаш ҳазили



Олмазор туманида рўйхатга олинган "FARTUNA FAYZ SAVDO" МЧЖ "PAPER SACK PRINT" МЧЖ таркибига қўшилиши ва "PAPER SACK PRINT" МЧЖ "FARTUNA FAYZ SAVDO" МЧЖнинг ҳуқуқий ворисига айлиниши маълум қилади.

ООО "AZIYA BEST ELEKTRONIK" (ИНН 206928124, ОКПО 22100098), зарегирированное ИПСП хокимията Яқкасаройского района, г. Ташкента за реестровым № 003192-11 от 07.08.2007г. ЛИКВИДИРУЕТСЯ (протокол собрания участников № 4/13 от 31.05.2013г.)

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г. Ташкент, Чиланзарский район, ул. Алмазар (Фуркат) 169-А. Телефон: 245-87-49.

1998 йил 19 июнда ЎзДЖТУ қошидаги Акмал Иқромов академик лицейи томонидан Камиллова Дурдона Қозимжахановна номига берилган, 111-рақам билан рўйхатга олинган О'Р-А № 024891 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЭЪЛОНЛАР

Яқкасарой тумани, Конституция кўчаси, 1-А уй манзили бўйича рўйхатга олинган "SAYRAK QUALITY BUILDING" (ИНН 302104947) МЧЖ Бекте-ров кўчаси, 113/10-уй бўйича рўйхатга олинган "CUPER GLOBAL CONSTRUCTIONS" (ИНН 302435667) МЧЖ таркибига тўлиқ бирлаштирилиши маълум қилади.

Давволар эълон чоп этилган санадан бошлаб, 2 ой давомида 919-49-88 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Яқкасарой тумани инспекцияси томонидан 2012 йил 29 февралда 005746-11 сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган "GLOBAL BEAUTIFUL LIFE" МЧЖнинг устав фонди 104 066 400 сўмдан 3 200 000 сўмга камайишини маълум қилади.

Олмазор тумани ТСРҲИ томонидан 2011 йил 11 августда 0513457 реестр рақами билан рўйхатга олинган экка тартибга тадбиркор Ибраги-мова Наргиза Нурдиновна номига берилган № 05-11523 (ИНН 489658167) рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"LATUS BUSINESS" хусусий корхонасининг устав жағар-маси 270 578 156 98 сўмдан 106 000 000 сўмга камайишини маълум қилади.

"ЕСО PAPER" МЧЖнинг устав жағармаси 220 220 000 сўмдан 170 220 000 сўмга камайишини маълум қилади.

Table with 4 columns: Information, Phone numbers, Address, and other details. Includes 'TOHKENT HAQIQATI' and 'TASHKENTSKAYA PRAVDA' logos.